

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

273 Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тад-
қиқот маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сонли Фармонига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази (кейинги ўринларда — Марказ) тўғрисидаги низом ва унинг тузилмаси 1-2-иловаларга мувофиқ;

Марказ ходимларининг чекланган умумий сони 24 кишидан иборат бўлган штат жадвали, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари 3-4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисига Марказнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига ходимларнинг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар кири-тиш ҳуқуқи берилсин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

биринчидан — суд фаолияти соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш,

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни, суд амалиёти ва суд иш юритуви тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш;

иккинчидан — судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг одил судловга эришиш, уни сифатли амалга ошириш, ишларни ўз вақтида кўриб чиқиш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича суд фаолиятига аралашиш ҳолатларига барҳам бериш ва фуқароларнинг суд тизимига ишончини оширишга қаратилган чора-тадбирларини амалга ошириш;

учинчидан — ягона суд амалиётини таъминлаш ва судлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини бир хилда қўллаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

тўртинчидан — фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий қонунчилик, судларнинг мустақиллигини таъминлаш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини ўрганиш, уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

3. Белгилансинки, Марказ:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги мустақил ахборот-таҳлил муассасаси ҳисобланади ва унга ҳисобот беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланган ва лавозимдан озод этиладиган директор — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси ўринбосари томонидан бошқарилади;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши орқали ажратилган Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Марказ фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб беради, Марказнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган таҳлилий ишлар дастурлари, ташкилий-ҳуқуқий тадбирларини тасдиқлайди, уларнинг самарали ва сифатли бажарилиши устидан назоратни таъминлайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши бир ойлик муддатда:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Марказнинг жойлаштирилишини таъминласин;

Марказ фаолиятининг устувор йўналишларини белгиласин, Марказнинг 2017 йилга мўлжалланган таҳлилий ишлари, ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари дастурини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаштириш учун зарур бўлган маблағларни 2017 йилда ажратсин, 2018 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

6. Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси Кузатувчи кенгаши 2017 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг асослантилган ҳисоб-китоблари бўйича Марказнинг жорий таъминоти, уни жиҳозлаш, фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан, иккита хизмат енгил автомобили таъминоти учун маблағ ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда белгиланган тартибда Марказни зарур бўлган, жумладан, ҳукумат алоқа турлари ва воситалари билан таъминласин, шунингдек, кенг камровли Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятини яратиб берсин.

8. Марказ:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари ва идораларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари (1 нусхада) юборилиши шарт бўлган ташкилотлар рўйхатига;

Марказ кутубхонасини шакллантириш учун босма ва китоб маҳсулотларининг (ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий нашрлар) бепул назорат нусхаларини (1 нусхада) оладиган ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Олий судининг статистика ахбороти юборилиши шарт бўлган реестрга киритилсин.

9. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги 2008 йил 23 июндаги ПҚ–896-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ–1887-сонли қарори 35-иловасининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 19 апрель,
ПҚ–2903-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 19 апрелдаги
ПҚ-2903-сонли қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот
маркази тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот марказининг (кейинги ўринларда — Марказ) асосий вазифалари, функциялари ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Марказ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги мустақил ахборот-таҳлил муассасаси ҳисобланади ва унга ҳисобот беради.

2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлар, қарорлар ва фармойишлари, бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши қарорлари ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

3. Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, бошқа давлат органлари, илмий ва таълим муассасалари, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4. Марказ ўз фаолиятини судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши тамойилига асосан амалга оширади. Судларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятига Марказнинг аралашшига йўл қўйилмайди.

5. Марказнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази, қисқартирилган — ОСМУТМ;

б) рус тилида:

тўлиқ — Исследовательский центр изучения проблем правосудия при Высшем судебном совете Республики Узбекистан, қисқартирилган — ИЦИПП;

в) инглиз тилида:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

тўлиқ — The research centre for the study of justice under the Supreme judicial Council of the Republic of Uzbekistan, қисқартрилган — RCSJ.

II. Марказнинг вазифа ва функциялари

6. Марказнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

суд фаолияти соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни, суд амалиёти ва суд иш юритуви тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида суд амалиёти-ни ўрганиш ва умумлаштириш;

судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг одил судловга эришиш, уни сифатли амалга ошириш, ишларни ўз вақтида кўриб чиқиш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича суд фаолиятига аралашуш ҳолатларига барҳам бериш ва фуқароларнинг суд тизимига ишончини оширишга қаратилган чора-тадбирларини амалга ошириш;

ягона суд амалиётини таъминлаш ва судлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини бир хилда қўллаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий қонунчилик, судларнинг мустақиллигини таъминлаш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини ўрганиш, уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

7. Марказ ўзига юклатилган вазифаларни қуйидаги функцияларни бажариш орқали амалга оширади:

суд статистикаси маълумотларини ўрганиш, уларнинг таҳлили натижалари бўйича суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни, суд амалиёти ва суд иш юритуви тизимини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларини аниқлаш;

қарорлари қонуний кучга кирган фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича материалларни ўрганиш, қонун нормаларини тўғри ва бир хилда қўлланилиши, ягона суд амалиётини таъминлашга тўсқинлик қилаётган муаммо ва камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш;

суд қарорларини қайта кўриб чиқиш муаммоларини, суд ҳужжатларини ижро этиш аҳволини ўрганиш, судлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва судьяларнинг иш ҳажмини мақбуллаштиришга оид тадқиқотлар ўтказиш;

фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий қонунчиликни таҳлил қилиш, суд амалиётини умумлаштириш, хорижий тажрибани ўрганиш натижалари бўйича суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчилик ва суд амалиётини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш;

судлар фаолияти очиклиги ва шаффофлиги ҳолатини ўрганиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш эркинлиги даражасини ошириш, уларнинг фаолияти тўғрисида

ахборот олиш ҳуқуқи кафолатларини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчилик ривожланишининг халқаро тенденцияларини ўрганиш, халқаро-ҳуқуқий нормалар ва миллий қонунчиликнинг қиёсий таҳлилини ўтказиш, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва стандартларини миллий қонунчилик ва суд амалиётига имплементация қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг, хорижий давлатларнинг суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари, таълим, илмий ва ахборот-таҳлил муассасалари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ соҳасида қўшма тадқиқотлар олиб бориш;

судьяликка номзодларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, амалдаги судьяларнинг малакасини оширишнинг замонавий усуллари ва янги ёндашувларини тадқиқ қилиш, суд кадрларини ўқитиш ва қайта тайёрлашнинг миллий тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

тадқиқот ишлари ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижаси бўйича ажратиладиган грантлар, халқаро ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбаларни жалб қилиш;

суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, одил судлов муаммоларини ўрганишнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро конференциялар, семинарлар ташкил этиш, бундай тадбирларда, шу жумладан хорижий давлатларда ташкил этиладиган тадбирларда, иштирок этиш;

суд-ҳуқуқ соҳасига оид Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар қонунчилиги, суд фаолияти масалалари бўйича халқаро-ҳуқуқий маълумотлар банки, шунингдек миллий ва хорижий юридик адабиётлар фондини шакллантириш;

суд амалиётини ўрганиш натижалари асосида суд фаолиятининг муаммоли масалалари бўйича йиғма маълумотлар базасини яратиш;

ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари лойиҳалари, тайёрланган таҳлилий материаллар ва тавсияларни Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан тегишли чоралар қўриш учун киритиш;

судьялар ва суд аппарати ходимлари учун фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича суд амалиёти умумлаштирилган маълумотларини, янги қонунчилик обзорлари, шунингдек илмий-амалий тадқиқот материаллари, миллий қонунчилик ва халқаро нормаларни қиёсий таҳлили асосида тематик обзорларни даврий асосда тайёрлаш ва чоп этиш;

ихтисослаштирилган даврий юридик нашрларда суд амалиётидаги, шу жумладан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган долзарб масалалар, ушбу соҳадаги қонунлар нормаларини тўғри ва бир хилда қўллаш, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича мунозаралар ёритилишини ташкил этиш;

судлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологиялари, ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усуллари жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

III. Марказнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Марказ ўзига юклатилган вазифа ва функцияларини бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ҳокимият органлари, давлат ва хўжалик бошқарув органлари, таълим ва илмий муассасалар, бошқа ташкилотлардан Марказ ваколатига тааллуқли масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, суриштирув ва тергов органларидан Марказ ваколатига тааллуқли масалалар бўйича қарор, фармойиш, йўриқнома, буйруқ ва бошқа норматив ва идоравий ҳужжатларни, таҳлилий, статистик материалларни, бошқа керакли ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ҳуқуқни қўллаш органларининг электрон маълумотлар базаси (банки), ахборот-кутубхона ресурсларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

бевосита судларда, шу жумладан жойларга чиққан ҳолда, суд амалиётини ўрганиш;

қарорлари қонуний кучга кирган фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича материаллар, шунингдек Марказ олдида қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун бошқа ҳужжатлар ва материаллар билан белгиланган тартибда танишиш;

Марказ ваколатига кирадиган масалалар кўриб чиқиладиганда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ва Олий суди мажлисларида иштирок этиш;

белгиланган тартибда тенглик асосида тегишли халқаро ва хорижий ташкилотлар билан илмий ахборот алмашишни амалга ошириш;

Марказ фаолиятига доир масалалар юзасидан тадбирлар ўтказиш, таҳлилий материаллар тайёрлаш учун олимлар ва мутахассисларни, илмий ва бошқа ташкилотларни белгиланган тартибда, шунингдек шартнома асосида жалб этиш, ушбу мақсадларда эксперт гуруҳлари тузиш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш, даврий нашрлар чоп этиш.

Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Марказ:

ўзига юклатилган вазифаларни сифатли ва самарали бажариш;

Марказ ваколатига кирадиган масалалар бўйича ишлаб чиқилган таклифларнинг уйғунлиги, илмий асосланганлиги ва амалий жиҳатдан муҳимлиги бўйича жавобгардир.

IV. Марказ фаолиятини ташкил этиш

10. Марказга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисининг ўринбосари бошчилик қилади.

11. Марказ директори:

давлат органлари ва ташкилотлари, илмий ва тадқиқот муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари билан бўладиган муносабатларда Марказ номидан иш юритади;

Марказ ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

ходимларнинг ваколатларини ва жавобгарлик даражасини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Марказнинг иш режалари, обзорлари, ахборот-таҳлилий ва бошқа ҳужжатларини тасдиқлайди;

Марказ номидан шартномалар ва келишувларни, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузади, директор ўринбосаридан ташқари Марказ ходимларини ишга қабул қилади, бошқа лавозимга ўтказиши, ишдан бўшатади;

Марказга юклатилган вазифаларни бажарилиши юзасидан шахсий жавобгар ҳисобланади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ Марказ фаолиятига оид бошқа масалаларни ҳал қилади.

12. Директор Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси томонидан белгиланган тартибда лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган ўринбосарга эга.

Директор ўринбосари ўзига топширилган фаолият соҳаси учун жавобгар ҳисобланади, директор жойида бўлмаган тақдирда унга юклатилган вазифаларини амалга оширади.

13. Марказ ходимларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мансаб даражалари берилади, мансаб даражаси ва узоқ муддатли хизмати учун қўшимча тўлов ва устамалар тўланади.

Марказ ходимлари учун олдинги иш жойида берилган узоқ муддатли хизмати, махсус унвон ва мансаб даражалари учун қўшимча тўлов ва устамалар сақлаб қолинади.

Марказ ходими сифатидаги ишлаган даври бошқа давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларига ўтганда навбатдаги тегишли унвонлар олиш, шунингдек, мансаб даражаси учун қўшимча тўловлар ва узоқ муддат хизмат қилганлигига устамалар тўлаш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади.

14. Марказ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши орқали ажратиладиган Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

15. Марказ юридик шахс ҳисобланади, фаолият учун зарур бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида шахсий ғазна ҳисоб

рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳр, штамп ва бошқа хизмат белгилари ва реквизитларига эга бўлади.

16. Марказни тугатиш ва қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 19 апрелдаги
ПҚ–2903-сонли қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш
тадқиқот марказининг
ТУЗИЛМАСИ**



Изоҳ: ходимларнинг чекланган умумий сони 24 та, шу жумладан 21 та бошқарув ходими.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси Марказнинг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 19 апрелдаги
ПҚ–2903-сонли қарорига
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш
тадқиқот марказининг
ШТАТ ЖАДВАЛИ**

Лавозимлар номланиши	Сони
Директор	1
Иш юритувчи-котиб	1
Директор ўринбосари	1
Йиғма ахборот-таҳлил бўлими	5
Бўлим бошлиғи	1
Бош консультант	1
Етакчи консультант	3
Фуқаролик ишларини юритиш соҳасида одил судлов муаммоларини ўрганиш бўлими	3
Бўлим бошлиғи	1
Бош консультант	1
Етакчи консультант	1
Жиноят ишларини юритиш соҳасида одил судлов муаммоларини ўрганиш бўлими	3
Бўлим бошлиғи	1
Бош консультант	1
Етакчи консультант	1
Иқтисодий ишларни юритиш соҳасида одил судлов муаммоларини ўрганиш бўлими	3
Бўлим бошлиғи	1
Бош консультант	1
Етакчи консультант	1
Маъмурий ишларни юритиш соҳасида одил судлов муаммоларини ўрганиш бўлими	3
Бўлим бошлиғи	1
Бош консультант	1
Етакчи консультант	1

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Лавозимлар номланиши	Сони
Умумий бўлим	4
Бош ҳисобчи	1
Кадрлар бўйича катта инспектор	1
Ҳайдовчи	2
Жами	24

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси Марказнинг тасдиқланган штат жадвалига ходимларнинг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 19 апрелдаги
ПҚ–2903-сонли қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази бошқарув
ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозимлар номланиши	Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари
Директор	19
Директор ўринбосари*	
Бўлим бошлиғи	16
Бош консультант	15
Етакчи консультант	14
Бош ҳисобчи	14
Кадрлар бўйича катта инспектор	13

* Директор лавозимида меҳнат ҳақи тўлашдан 5% гача камроқ.